# БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Ёшлигингизда ким бўлишни орзу қилгансиз? Ўша орзуингиз ушалдими?
2. Тақлид қилганмисиз? Умуман, тақлид ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Бахтли тасодифларга ишонасизми? Шундай тасодифлар ҳаётингизда бўлганми?
4. Санъаткор шахси ҳақида идеалингиз?
5. Танқидга муносабатингиз? Санъат соҳаси танқидчилари фаолияти Сизни қониқтирадими?
6. Сизга энг кучли таъсир этган санъат асари ёки китоб қайси?
7. Сизнингча, санъатнинг қайси соҳалари илғор, қайсилари оқсаяпти?
8. Сизнингча халтурачи қандай пайдо бўлади? Уни ўзингиз фош қилишни истайсизми ёки бошқалар фош қилганини маъқул кўрасизми?
9. Қийинчиликларни қандай енгиб ўтасиз?
10. Санъатнинг умуминсоний қиммати ҳақида нималар дея оласиз?
11. Сиз ҳамиша интилган орзу?

**Галия ИЗМАЙЛОВА,**
**СССР халқ артисти**

1. Ҳа. Бундан бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман. Болалигимдан артист, балерина бўлишни орзу қилардим. Очиғини айтганда, балерина учун зарур бўлган жисмоний белгиларим ҳавас қиларли даражада эмас. Бироқ астойдил ҳаракат қилса, меҳнатдан қочмаса ва орзу сари дадил интилса, ҳамма нарсани уддаласа бўларкан. Бундан ташқари, истакни амалга ошириш учун жуда кучли ирода зарур. Инсон бир нарсага қаттиқ ишонса, бошқаларни ҳам ишонтира олади.

2. Ёшлигимда бировларга тақлид қилганимни эслолмайман. Истаган вақтимда ўз-ўзимдан рақс тушаверардим, турли ҳаракатлар ўйлаб топардим. Менда рақсга нисбатан кучли эҳтиёж бор эди. Кейинчалик, балет билан жиддий шуғуллана бошлаганимда Марина Семенова ва Ольга Лепешинскаяга тақлид қила бошладим. Ўзбек халқ рақсларини ўрганишимда эса Тамарахоним ижоди менга завқ бағишларди. Менингча, яхши анъаналарга тақлид қилиш бошловчи ижодкор учун мактаб вазифасини ўтайди. Айтайлик, ёш композиторларнинг кўпчилиги ҳам Глинка, Шопен каби буюк сиймолар ижодидан ўрганадилар. Шунга ўхшаб, биз раққосалар ҳам аввал тажриба орттирамиз ва шу асосда ўзига хосликни шакллантирамиз. Санъатга мустақил қадам қўйгандан бошлаб эса тақлид қилиш эмас, яхши анъаналарни ўзига хос тарзда давом эттириш керак. Доимий тақлидчи плагиатор бўлиб қолади. Афсуски, кўпгина таниқли раққосаларимизнинг «ижоди» фақат тақлиддан иборат бўлиб қолаётгани кишини ташвишга солади. Бу — санъаткор учун хавфли!

3. Тўғриси, илгари бахтли тасодифларга ишонмасдим. Ҳозир эса ишонаман. Ҳамкасбларимнинг ҳаётида юз берган воқеалар мени бу нарсага ишонишга мажбур қилди. Масалан, конкурсга қатнашиши лозим бўлган одам тўсатдан бирор сабаб билан қатнашолмайди. Лекин, кутилмаганда, унинг ўрнига борган одам лауреат бўлиб кетади.

Шуни айтишим керакки, илгари ҳеч қандай бахтли тасодифларга ишонмаганимдан жуда хурсандман. Чунки бу нарса мени фақат ўз кучимга таяниб иш тутишга ўргатди. Лекин ҳаётда бахтли тасодифларнинг бўлиб тургани яхши.

4. Шу ўринда, энг аввало, улуғ санъаткор Станиславскийнинг «Ижодкор санъатдаги ўзини эмас, ўзидаги санъатни севиши керак» деган сўзларини эслатиб ўтмоқчиман.

Ҳақиқий санъаткор бўламан, деган одам бутун борлиғи билан, санъатга фидойилик билан хизмат қилиши керак, деган хаёл мени бир зум бўлса-да, тарк этмайди. Чунки санъаткор меҳнати ҳам археологнинг ишига ўхшайди. Археолог ернинг тубига тушиб янги сирли олам очаверганидек, санъаткор фидойилик билан ижод қилгани сари, афсонавий мўъжизалар дунёси ҳам кенг кўлами билан намоён бўлаверади. Санъат ўзига ишонганларга садоқат кўрсатади.

Менингча, ҳақиқий санъаткорнинг бахти меҳнатда. Артистнинг танаффус қилишга ҳаққи йўқ. Айниқса, балет артисти эртадан кечгача меҳнат қилиши керак. Энг асосийси, санъатга соф қалб ва тўғри йўл билан қадам қўйиш лозим. Мен «ишбилармон»ларни ёқтирмайман. Ўйлайманки, халқ ҳам уларни тез пайқаб олади. Афсуски, орамизда ҳозир шундайлар бор. Улар баъзан мукофотлар, унвонларга ҳам «ишбилармонлик» билан эришадилар, бироқ шуниси аниқки, халқ муҳаббатига бундай йўл билан ҳеч қачон сазовор бўлолмайдилар. Халқ эъзози — юксак мукофот!

5. Очиғи, ҳозирги кунда республикамизда ҳақиқий балет танқидчилиги деярли йўқ. Ҳар замонда чиқиб турадиган баъзи тақризлар ҳақида шуни айтишим мумкинки, бу танқидчилар ўз ҳис-туйғуларини намойиш этиш, ҳатто баъзан ўзларини кўрсатиб қўйиш учун ёзадилар. Бундай танқиддан ҳеч кимга фойда йўқ. Бизга балетимиз равнақи учун ёрдам берадиган ҳақиқий, объектив танқид ниҳоятда зарур. Бунинг учун ўзимизнинг кадрларни тарбиялашга жиддий эътибор бериш керак. Бошқа соҳалардаги каби балет жанри ривожи учун ҳам танқид ниҳоятда зарур.

6. Бадиий адабиёт ўқишни севаман. Менда чуқур таассурот қолдирган, ҳамон ҳаяжонга солувчи асарлар кўп. Масалан, Юрий Бондаревнинг «Соҳил», Чингиз Айтматовнинг «Асрларга татигулик кун» романлари мени ҳайратга солди. Явдот Илёсовнинг «Илон заҳри» ва «Широқ исёни» асарларини ҳамда «Ўзбек халқ эртаклари»ни ҳар гал олам-олам қувонч билан қўлга оламан.

XIX асрда яшаб ижод қилган хореограф ва балетмейстер Август Бурнонвил ҳақидаги китоб энг севимли асарларимдан бири. И. Рошалнинг «Тўққизинчи баландлик» китобида шахмат бўйича уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ҳақида ҳикоя қилинади. Назаримда, бу устознинг шогирди ҳақида айтган энг ажойиб сўзлари жамланган асардир. Ўтмиш ҳақидаги асарларни ўқиш катта маънавий мадад бағишлайди. Шунингдек, Асқад Мухтор ва Зулфия шеърларини севаман.



7. Бизда рангтасвир, ҳайкалтарошлик ривожланган, деб ўйлайман. Шу соҳаларда яратилган асарларни мароқ билан кузатиб бораман.

Гап оқсаётган соҳага келиб тақаладиган бўлса, шуни айтишим керакки, филармония ва телевидениедаги концерт программалари мени қониқтирмайди. Бир пайтлардаги программалар деярли ўзгаришсиз давом эттириляпти. Концерт сценарийлари ашула-ўйин, ўйин-ашуладан иборат бўлиб қоляпти. Бирор қизиқарли программалар қамдан-кам учраб қолади. Булар менинг шахсий фикрим, албатта. Зотан, бирор кимсани айбламоқчи ҳам эмасман. Фақат истагим — халқимиз санъаткорларнинг чиқишини орзиқиб кутсин, дейман. Майли, фақат ашула ва ўйин бўлсин. Лекин бирор ҳафта ёки бирор ой илгари берилган кўрсатувнинг такрори бўлмаслиги керак. Ҳар сафар янги, ўзига хос номерлар яратиш учун имкон бор-ку, ахир! Эҳтимол, ҳар бир концерт программаси бирор мавзуда бўлгани маъқулдир. Балки бошқа республикалар студияларидан, айтайлик, Марказий телевидениедан тажриба ўрганиш лозимдир. Ҳар ҳолда кўрсатувларни томошабинга етказишнинг самарали йўлларини излаш зарур.

8. Бизнинг кўнгилчанлигимиз, ортиқча даҳмазани хуш кўрмаслигимиз халтурачиларнинг пайдо бўлиши ва илдиз отишига йўл очиб бермоқда. Ҳаммага маълумки, истеъдодлар ёрдамга муҳтож, истеъдодсизлар эса қандай бўлмасин ўзларига йўл топиб оладилар. Яна шуниси борки, халтурачилар қонунни жуда яхши биладилар. Биз эса кўпинча уларни ўз вақтида тўхтатиб қолишга ҳаракат қилмаймиз. «Э, шу билан ади-бади айтишиб ўтирамanми», деб бепарво қўл силтаб қўя қоламиз. Ўйлашимча, битта менинг фикрим, эътирозим халтурачи учун камлик қилади. Буни мен ўз тажрибамда синаб кўрганман. Бир одамга очиқ-ойдин «Сизнинг ўрнингиз санъатда эмас», деб айтгандим. У мени ғаразгўй, кўролмайдиганга чиқариб, ҳатто устимдан юқори ташкилотгача арз қилиб борибди. Буни қарангки, унинг ҳомийлари ҳам топилиб қолди. Шундан сўнг «Бундайларга қарши кўпчилик бўлиб курашиш керак», деган қарорга келдим.

9. Қийинчиликлар билан курашиш жуда қийин. Шахсан ўзим осойишталикда, қуёш чарақлаб, кишилар табассумли боқиб юрганларида ижод қилишни яхши кўраман. Лекин, бахтга қарши, жуда кўп қийинчиликлар учраб туради. Масалан, театримизга 18 ёшли йигит-қизларни қабул қиламиз. Табиийки, улар билан ишлаш енгил кўчмайди. Шундай пайтларда доимо Бетховеннинг «Мен яхшиликдан ҳам афзалроқ бошқа нарсани билмайман» деган сўзларини эсга оламан. Дарҳақиқат, бу ҳар қандай чорадан яхши.

10. Санъатнинг роли ғоятда юксак. Энг аввал, биз, санъаткорлар идеологик курашда партиямизнинг биринчи ёрдамчиларимиз. Шунинг ўзиёқ кўп нарсани белгилайди.

Бундан ўн йил олдин Францияда икки ой давом этган Совет Иттифоқи халқлари фестивалида қатнашгандим. Концертдан сўнг Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Жорж Марше шундай деганди: «Икки соатда биз Совет Иттифоқини айланиб чиқдик. Сиз бизга катта билим бердингиз. Совет Иттифоқи ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдик». Бу сўзларни изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

11. Мен доимо мукаммалликка интилиб келдим, ҳеч қачон ўзимдан кўнглим тўлмаган. Мукаммаллик шу кунга қадар ҳам мен учун орзу бўлиб қолмоқда, зеро ҳали ўзим истаган даражага эришганим йўқ. Шогирдларимдан ҳам шуни талаб қиламан.

## Газетхон илтимосига кўра

**Ҳурматли редакция!**

**Мен таниқли хонанда Олмахон Ҳайитованинг қўшиқларини ўттиз йилдан буён тинглаб келаман. Унинг қўшиқлари менга олам-олам завқ бағишлайди. Буни бирма-бир таърифлаб ёзишнинг иложи йўқ. Ҳозир ҳам бу хонанданинг телевизорга чиқишини сабрсизлик билан кутаман.**

**Газета саҳифаларида хушовоз хонанда, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова билан суҳбат уюштиришингизни илтимос қиламан.**

**Норой ХАЛИЛОВА,**
**Қаҳрамон она**
**Навоий области**

# ОҲАНГЛАР ЖОЗИБАСИ



**МУХБИР. Олмахон опа, яқинда сиз раҳбарлик қилаётган «Гўзал» ансамбли Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб қайтди. Газетхонлар билан ана шу гастроль таассуротларини ўртоқлашсангиз.**

**Олмахон ҲАЙИТОВА.** Гастролимиз жуда яхши ва мазмунли ўтди. Ансамбль қатнашчиларининг чиқишларини томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, иккала областнинг ҳам баъзи хўжаликларида маданий ишларга эътиборнинг камлиги сезилиб қолди. Дала шийпонлари ва клублар меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланмаган. Баъзи маданият саройлари ҳам шу аҳволда. Бу, шу соҳага енгил-елпи қарашнинг оқибатидир. Ахир полда ўтириб, дарахтга чиқиб концерт ё театр томоша қилишга барҳам берадиган вақт аллақачон етган-ку. Бу учун ҳар бир район ва хўжаликда имконият мавжуд. Фақат уни амалга ошириш керак.

**М. Агар мумкин бўлса, икки оғиз ансамбль ва унинг аъзолари ҳақида сўзлаб берсангиз. Шунингдек, ансамблда ёш санъаткорларга қандай эътибор берилмоқда?**

**О. Ҳ.** Ансамблимиз Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси қошида ташкил топган. Унинг фаолият бошлаганига ўн йил тўлади. Ҳозир ансамблнинг 22 нафар аъзоси бор. Мунojот Йўлчиева, Олимжон Орифжонов, Гулчеҳра Исмоилова сингари раққоса ва хонандаларни қўшиқ мухлислари яхши танийдилар.

Ансамблимизда Салоҳиддин Лутфуллаев, Руқияхон Олимжонова, Жамила Йўлдошева сингари умидли ёшлар ҳам иштирок этадилар.

Санъат бу — тинимсиз изланиш ва меҳнат! Ундан қочган, енгил йўл танлаган ижодкор узоққа бормайди. Афсуски, бир-икки қўшиқ ва рақс билан ўз «ижодий» фаолиятини поёнига етказаётган ёшлар ҳам учрайди.

**М. Редакциямизга келаётган кўплаб мактубларнинг муаллифлари сизнинг санъатга кириб келишингиз ҳақида сўрашади.**

**О. Ҳ.** Ёшлигимдан музикага қизиқардим. Пода боқиб, ўзимча чўпдан «рубоб» ясаб аллақандай куйларни хиргойи қилиб юрардим. Бу ҳол баъзан дастурхон атрофида, оила даврасида ўтирганда такрорлангани учун ҳам танбеҳ эшитардим. Учинчи синфда ўқиётганимда «Тонг отмасдан уйғониб-ди қиз бола» деган бир қўшиқ айтдим. Шеърни адабиёт муаллимимиз ёзиб берди. Музикасини ўзим топганман. Ҳали юқорида айтган музикаларимдан «монтаж» қилган бўлсам керак-да. Ўнинчи синфда ўқиётганимда ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида иштирок этиб, лауреат бўлдим. Шундан сўнг йўлим, тақдирим санъат билан боғлиқлигини тушундим. Агар шу кунгача халқимга ёқадиган қўшиқлар айтган бўлсам тақдиримдан бахтиёрман. Мана, саҳнага чиққанимга ҳам ўттиз беш йилдан ошди.

**М. Ҳаётингизда яна қандай унутилмас воқеалар рўй берган?**

**О. Ҳ.** 1974 йилда Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтини тугатдим. Кейингиси 1979 йили КПСС сафига қабул қилинганимда юз берди. Мен ҳамиша коммунист санъаткор бўлганлигимдан фахрланаман. Партия билетини қўлга олган дақиқаларни ҳеч қачон хотирамдан чиқармайман.

**М. Репертуар танлаш санъаткор учун бош масала ҳисобланади. Кейинги пайтларда баъзи санъаткорлар репертуарининг нақадар қашшоқлиги ва пала-партишлиги томошабинни ранжитмоқда. Бу ачинарли аҳвол баъзи ансамбллар фаолиятида ҳам сезилмоқда. Ҳар қандай шеърни қўшиқ қилиб репертуарга киритиш шартми? Сиз репертуар танлашда қандай йўл тутасиз?**

**О. Ҳ.** Мен, аввало, шеър танлайман. Агар бирор шеър юрагимни жизиллатса, ёқса, ўйлайманки, у томошабинга ҳам ёқади. Қўшиқдан қўшиққа, репертуардан репертуарга ўсишга интиламан. Қўшиқ — бир сеҳрли олам. Ижро этаётганда унинг ичида яшаш керак. Шундагина томошабинни ўша оламга ошно қиласан.

Репертуар қашшоқлиги янги ташкил этилаётган баъзи ансамблларда яққол кўзга ташланмоқда. Ваҳоланки, янги ансамбль ўз овози, ўз услуби ва ўз репертуари билан чиқиши керак. Лекин улар меҳнатдан қочиб, осон ва хавфли йўл — репертуар кўчиришдан нари ўтолмаяптилар. Шунинг учун ҳам кўпгина янги тузилган ансамбллар санъат мухлислари эътиборини қозонолмаяпти.

Мустақил, мазмундор репертуари йўқ санъаткор ҳам, ансамбль ҳам қанотсиз қушга ўхшайди.

**М. Маълумки, ҳамма соҳада ҳам тақлидчилик касаллик ҳисобланади. Бундай дардга мубтало бўлган санъаткор биров очган сўқмоқдан нари ўтолмайди. Айниқса, сўнгги пайтлар бу иллат қўшиқчилар орасида анча томир отмоқда.**

**О. Ҳ.** Жуда тўғри айтасиз. Ёшлар ўртасида тақлид модага айланган, десак муболаға бўлмас. Лекин бу йўлни танлаган хонанда узоққа бормайди. Бировнинг тўнини кийиб юравершдан нима фойда?

Устозим, Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов тақлидчи узоқ яшай олмаслигини, халқ қалбига йўл тополмаслигини қайта-қайта таъкидлар эдилар. Ҳар бир хонанданинг ўз «дўкони» ва унда ўз «нарса»лари бўлсин, дердилар.

Яқинда газетада хонанда Дадахон Ҳасановнинг «Қўшиқ тақлидчилиги — иллат» номли мақоласи юзасидан ўтказилган мунозара якунланди. Унда қатнашган барча газетхонлар хонанданинг фикрини тўла тасдиқлашди. Бундай фойдали баҳс-мунозаралар матбуот саҳифаларида тез-тез ўтказилиб турилса яхши бўлади.

**М. Таниқли шоиримиз Эркин Воҳидов бир суҳбатида бугунги қўшиқчилигимиз тўғрисида шундай деган эди: «Биринчидан, бастакорларимиз шеърга куй ёзишдан олдин унинг ҳар бир сўзи маъносига чуқур кириб боришлари керак. Иккинчидан, куйдаги бир хилликни йўқотиш зарур. Кўпчилик қўшиқчиларимизнинг оҳанги бир-бирига бир томчи сувдек ўхшаб бораётир. Учинчидан, Озарбойжон, Эрон куйларига бўлган тақлидчиликка чек қўйиш керак». Бу куюнчаклик билан айтилган фикрлар замирида катта ҳақиқат ётибди. Шундай эмасми?**

**О. Ҳ.** Ҳурматли шоиримиз айтган гаплар ниҳоятда тўғри. Ҳақиқатан ҳам, кўп бастакорлар шеърнинг сўзларига эътибор бермайдилар. Оқибатда, сийқа, умри қисқа қўшиқлар кўпаймоқда. Куйларнинг ва оҳангларнинг бир-бирига ўхшашлиги тақлидчилик каби иллатга айланиб бормоқда. Баъзи бастакорлар ва хонандалар андишани йиғиштирганга ўхшайдилар. Бу аҳвол миллий мусиқамизни қуруқлаштириш ва камбағаллаштиришга олиб келади, холос.

Озарбойжон, Эрон, Афғонистон куй ва қўшиқларини ўрганиш яхши. Афсуски, айрим мустақил йўли бўлмаган ёшлар уларга кўр-кўрона тақлиддан нарига ўтолмайдилар. Қўшиқчиликнинг ранг-баранг замонавий турлари ва йўлларини кенг ўзлаштириш, умумиттифоқ, жаҳон миқёсига чиқиш керак. Қани эди бизнинг ёшларимиз ичидан Алла Пугачёва каби улкан санъаткорлар чиқса! Радио ва телевидение орқали чала-чулпа, ўргамчик қўшиқлар берилишига барҳам бермоқ керак. Бадиий кенгаш аъзолари нега бу ҳолга бепарво муносабатда бўлишмоқда? Шунингдек, ансамбллорга алоқадор юқори ташкилотлар ва бадиий кенгашлар ҳам бу масалани жиддий ўйлаб кўриб, тегишли тадбирлар белгиласалар ёмон бўлмас эди.

**М. Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Суҳбатни Ашурали ЖЎРАЕВ ёзиб олди**

## куюнчак газетхонлардан хатлар

# БУ НИМА, БУ?

Сарлавҳага қўйилган ушбу сўзлар республика телевидениеси орқали жаранглаган қўшиқнинг номи бўлиб, унинг яратувчиси Қашқадарё область филармонияси қошидаги «Оригинал» вокал-чолғу ансамблининг ижодий коллективи. Ҳақиқатан, бу коллектив илк қўшиқлари билан эстрада ва жаз музикаси ихлосмандлари орасида қизиқиш уйғотди. Айниқса, ансамбль иштирокчиларининг изланишлари ижобий баҳоланган эди. Ўшанда янграган янги қўшиқлар эстрада жанрига хос жарангдорлик, кўтаринки руҳга эга бўлиб, томошабинларнинг назарига туша бошлаганди.

Яқинда мазкур коллектив Самарқанд областининг қатор районларида сафарда бўлди. «Оригинал»нинг янги программасини кўриб, бу коллективнинг бадиий қиёфасини ҳам, ғоявий йўналишини ҳам аниқлай олмадик. Аввало, шуни айтиш керакки, ансамблда ҳозирги замоннинг кучли овоз аппаратлари, электрон музика асбоблари ва барча техник имкониятлар мавжуд. Область партия комитети, маданият бошқармаси ва филармония раҳбарлари ансамблга алоҳида ғамхўрлик қилиб келаётгани аниқ кўриниб турибди. Лекин имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш кераклигини ансамбль ижодкорлари тушуниб етмагани кўриниб турибди. Чунки янги программада биронта ҳам ўзбек совет композиторларининг асарларини эшитмадик. Ансамблнинг бадиий раҳбари Даврон Ғойиповнинг (у ҳам композитор, ҳам шоир, ҳам қўшиқчи, ҳам конферансье) чиқишларидан тингловчилар ғалати аҳволга тушиб қолдилар. Қизиғи шундаки, қўшиқ сўзлари қайси тилда айтилаётганини тушуниб бўлмайди. Талаффузлар ниҳоятда ғализ. Кераксиз сўзлар жуда кўп. Фақат концерт сўнгида созанда ва хонанда Жўрабек Шакуров (У басс гитара чалади) қулоқни қоматга келтирувчи чинқириқ билан эълон қилгандан сўнг «Жон-жон намасте!», «Сўзла, жоним!», «Тўхта-тўхта!», «Исто-исто!», «Постой- постой!» «Биз Самарқандмиз!» каби ғоясиз қўшиқларнинг авторини билиб олдик.

Булар ҳали ҳолва!

Энди қўшиқларнинг мазмуни сийқа, бақириқ-чақириқлардан иборатлиги ва музикаларнинг Ғарбдаги ансамбллар репертуарларидан олинганига нима дейсиз? Музикада куй эмас, балки зарбларнинг ўткир шовқини биринчи планга чиққан. Саҳнага чиқиб жаврашлар, шовқин-суронлар қулоқларни қоматга келтиради. Савол туғилади: БУ НИМА, БУ?

Тўғри, «Оригинал»нинг концерти залдаги «айрим» ёшларга маъқул «бўлди». Улар зални бошларига кўтаришиб гўё шовқин етмагандай ҳуштак ва қарсак чалишиб, полни тепишиб саҳнадагиларга ўз ҳурматларини шу тарзда тинимсиз «баён» қилиб туришди.

Энди икки оғиз ансамбль репертуаридан ўрин олган беҳаё рақслар ҳақида. Саҳнада бадиий раҳбар пайдо бўлиб, қўлларини осмонга кўтариб, баланд овозда бақиради. Шовқинли музика янграйди. Сўнг саҳнага ярим яланғоч уч раққоса чиқиб келиб, беҳаёларча ўйин бошлашади. Кўпгина томошабинлар бундай «рақс»ларни кўриб уялиб кетишди шекилли, аста-секин зални тарк эта бошлашди. Яна савол туғилади: БУ НИМА, БУ?

Хизмат юзасидан «Оригинал»нинг барча концертларини кўрдим. Аммо ҳозирга қадар ўзимга келолмайман, нимани эшитдим-у, нимани кўрдим? Тўғриси, ансамблдан ҳафсалам пир бўлди. Ахир эстрада санъатимиз шу аҳволга тушиб қолмагандир. Тўртта одам бир бўлиб бақирса ҳам эстрада ансамбли бўлаверадими? Бундай ансамблларга кимлар йўл очиб беряпти? Наҳотки уларни бошқарадиган, репертуари билан танишадиган бирор бир ташкилот бўлмаса? «Оригинал»нинг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган оригинал «қўшиқ»нинг сўзларини такрорлаймиз:

БУ НИМА, БУ?

**Бурҳон ИСЛОМОВ,**
**Ўзбекистон ССР Театр жамияти Самарқанд бўлимининг масъул секретари**



Янги куй ноталари...

С. МАҲКАМОВ фотоси

САНЪАТ МУЗЕЙИ ЗАЛЛАРИДА

# РАНГЛАРНИНГ ЯНГИ ДУНЁСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг ташкил топганига ҳадемай етмиш йил тўлади. Музей йилдан-йилга янги кўргазма заллари ва экспонатлар билан бойиб бормоқда. Айниқса, бу ерда серқуёш республикамиз тасвирий санъат усталарининг кўплаб янги асарлари намойиш этилиши катта аҳамиятга моликдир.

Музейга киришингиз биланоқ ўзингизни ранглар дунёсига кириб қолгандай ҳис этасиз.

«Музей экспонатларининг тез орада янада кўпайишига, бундан ҳам гўзаллашувига ишончимиз комил». Бу сўзларни мулоҳазалар дафтарига бир группа ҳиндистонлик саёҳатчилар ёзиб қолдирган. Худди шундай мазмундаги фикрларни кўплаб томошабинлар таъкидлаганлар. Яқинда музей экспонатлари ва заллари рангларнинг янги дунёси билан бойиди. Бунда республикамиз тасвирий санъат усталарининг алоҳида улушлари бор. Таниқли рассомлар Надежда Кашинанинг «Ургутда тонг», «Лайли ва Мажнун», Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Покистонлик қўшиқчи Ахтар», Ваҳоб Зиёевнинг «Сокинлик», Николай Пак ишлаган портретлар, Алишер Мирзаевнинг «Ёш оила ҳақида қўшиқ» ва «Автопортрет», Баҳодир Жалоловнинг «Қиш манзараси» асарлари шулар жумласидандир. Бу номларни яна давом эттириш мумкин. Асарларнинг аксарияти мўйқалам усталарининг 70—80-йиллардаги ижодий ютуқларининг нишонасидир.

Санъатшунос Рафаэль Тоқтош таърифича, «Совет Ўзбекистони рангтасвир асосчиларидан бири Н. Кашинанинг «Лайли ва Мажнун» полотноси олдидан ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди».

Шарқ миниатюралари услубида яратилган бу асар кишини ўтмишга етаклайди. Адабиётимиз тарихи саҳифаларида Мажнун Лайлини туя миниб кетаётганида кўриб, ошиқ бўлганлиги баён этилган. Классик мерос асосида яратилган бу асарда мусаввир достон руҳини бера олган. Мажнуннинг орқасида, туяга минганча оҳу кўзини ошиғига тикиб, икки қўлини кўксига қўйиб ўтирган Лайли — бу тасвир тош устида муҳаббатнинг бедаво дардидан зада бўлиб унсиз қолган Мажнуннинг хаёлида акс этган. Мажнун ўтирган тош атрофидан униб чиққан тиканларнинг ҳам унга раҳми келгандай... Асарда ўзбек миллий тасвирий санъати анъаналари тўла сақлаб қолинган. Темперада ишланганлиги, сариқ рангнинг баъзан айрилиқ рамзи сифатида ишлатилиши асар сюжетини янада мукаммаллаштиради.

Ваҳоб Зиёев «Мусаффо осмон» ва «Пушкин Болдинода» картиналари билан санъат мухлисларига яхши таниш. Рассом мушоҳадасининг кенглиги, турмушда кишилар учун қизиқ бўлган мавзуларни илғай олиши билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради. Унинг «Сокинлик» асаридаги ранглар уйғунлигига термулиб, беланчакдаги беозор гўдаклар уйқусини бузиб юборишдан ҳайиққандай бўласиз. Нафис, енгил бўёқлар сизни ихтиёрсиз ўз қаърига тортади. Орқада жонланаётган пахта хирмони гўё шу сокинлик шарофати туфайли юксалаётгандай!

Алишер Мирзаевнинг «Ёш оила ҳақида қўшиқ» картинасига тушган нигоҳлар ундаги ўткир ранглар силсиласидан рассом руҳини англай олади. Ёш оиланинг ўтмиши — баланд токча устига осилган никоҳ куни сурат. Бугуни — ёнбошлаганча болаларига термулиб хаёлга ботиб ётган ёш ота ва кўзгу олдида сочини тузатаётиб, юзидаги ўзгаришга термулиб қолган ёш жувон. Келажаги — сурғичини сурганча юмалаб ётган бола ва кўйлакчаларини олдига ёйиб ўтирган қизча. Ижодкор бугунни ўтмиш ва келажак билан боғлайди.

Баҳодир Жалоловнинг «Қиш манзара»си кишига Нозим Ҳикматнинг «Гўзалликка тикилмоқ — савоб иш», деган сўзларини эслатади. Табиатнинг қор тингандан сўнгги ажойиб манзараси рангларда жонли акс этган.

Хуллас, бу асарлар ҳақида яна ҳам батафсилроқ ёзиш мумкин. Зеро, юқорида тилга олинган картиналар ёнидан томошабинларнинг бир дақиқа ҳам қадами узилгани йўқ. Бу ҳолдан республикамиз истеъдодли мусаввирлари янги-янги асарлари билан санъат музейимизни янада бойитадилар, деган хулосага келиш мумкин.

**Т. МАДРАҲИМОВА**



Янги рақс

